

**МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ҚИЗИҚАРЛИ МАШҚЛАРНИНГ  
АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА.**

**Д.Д.Ароев, PhD**

**Кўқон ДПИ математика-информатика  
кафедраси катта ўқитувчиси**

**Ўзбекистон.**

**Г.М.Бабаева**

**Кўқон шаҳар 1-умумий ўрта таълим мактаби  
математика фани ўқитувчиси.**

**Аннотация**

Ушбу мақолада математика дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган қизиқарли математик ўйинлардан фойдаланиш бўйича тавфисиялар берилган.

*Калим сузлар: натурал сон, бўлинни белгилари, софизм, арифметик амаллар.*

**Аннотация**

В этой статье даны рекомендации по использованию математических игр, которые можно использовать на уроках математики.

*Ключевые слова: натуральные числа, признаки делимости, софизм, арифметические действия.*

**Annotation**

This article provides guidelines for using math games that you can use in your math class.

*Keywords: natural numbers, divisibility criteria, sophism, arithmetic operations.*

Маълумки, ўқитиш жараёнидаги машқлар дидактик, билиш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради. Дидактик вазифаларни бажарувчи машқлар бевосита қаралаётган тушунчаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Факат аниқ мақсадга қаратилган қизиқарли машқларгина, қаралаётган тушунчалар хоссаларининг илмий жиҳатдан тўғри

шаклланишида ўқувчиларда қизиқиш уйғотадиган восита бўлиши мумкин [1].

Бошланғич синфдан кейин яъни 5-синфда ўқувчиларда тушунчаларга бўлган қизиқиш янада ортади. Шуларни эътиборга олган ҳолда 5-6-7 синфларда мустаҳкамловчи ва такрорлаш дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган қизиқарли машқларга мисоллар келтирамиз.

### **I. Натурал сонларни қўшиш мавзусига доир.**

1. Бошланғич синфдан натурал сонларни қўшишнинг устун усули ўқувчиларга таниш. Масалан  $15645+49651+15487+1195$  сонларни қўшишда устун усулидан фойдаланилади [2, 3], яъни

$$\begin{array}{r} 15645 \\ 49651 \\ +15487 \\ \hline 1195 \\ \hline 81978 \end{array}$$

Кўп хонали сонларни қўшишнинг яна бир усули бор, яъни ҳар бир устундаги сонларни бир қаторга қўшиб ёзамиш, яъни

$$\begin{array}{rr} \begin{array}{r} 15645 \\ 49651 \\ 15487 \\ \hline 1195 \end{array} & \begin{array}{r} 15645 \\ 49651 \\ 15487 \\ \hline 1195 \end{array} \\ + \begin{array}{r} 18 \\ 26 \\ \hline 44 \end{array} & + \begin{array}{r} 6 \\ 20 \\ \hline 26 \end{array} \\ \begin{array}{r} 17 \\ 20 \\ 6 \\ \hline 43 \end{array} & \begin{array}{r} 17 \\ 26 \\ 18 \\ \hline 51 \end{array} \\ \hline 81978 & \hline 81978 \end{array}$$

2. Натурал сонларни қўшишга доир мавзуни мустаҳкамлашда қўйидаги ўйин ҳам ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

**Үйин.** Синфдан талабгор 8 та ўқувчи танлаб икки гурухга бўлинади. Ўқитувчи бирор икки хонали A сонни эълон қиласди. Биринчи гурух 1-9 гача бўлган ихтиёрий битта сонни танлайди, у сонга иккинчи гурух 1-9 гача бўлган ихтиёрий битта сонни қўшади. Ҳосил бўлган сонга биринчи гурух 1-9 гача бўлган ихтиёрий битта сонни қўшади ва ҳоказо. Бу жараён ҳосил бўлган йиғинди ўқитувчи томондан олдиндан айтилган A сон ҳосил бўлганча давом этади ва A сон ҳосил бўлган гурух мағлуб бўлади. Ажратилган вақтга қараб A сонни кичикроқ ёки каттароқ сон танлаш мақсадга мувофиқ.

3. Такрорловчи дарсларда эса “Арифметик занжир” деб аташ мумкин бўлган қуидаги ўйинни тавсия қиласиз. Бу ўйин шундан иборатки, квадрат ёки айлана шаклидаги қоғозлардан фойдаланилади. У қуидагидан иборат.

=684; $21 \cdot 7 =$	=84; $51 \cdot 4 =$	=204; $651 : 3 =$
=217; $9651 + 143 =$	=217; $9651 + 143 =$	=9794; $9650 : 50 =$
=193; $1145 + 680$	=1825; $271 - 53$	=218; $366 : 3 + 15$
=137; $948 - 24 \cdot 11$		

Занжирнинг тоқ номерда турган қисмларини бошқа рангда, жуфт номерда турганларини бошқа рангда бўлиши ўқувчиларнинг фикрлашини осонлаштиради, ёки гурухлар сони нечта бўлса занжирнинг ранглари шунча қилиб, ҳар гурухга алоҳида рангдаги занжир бўлакларни бериш ҳам мумкин.

Биринчи гурух ўйинни бошлаб беради. Кейинги гурухга занжирнинг кейинги қисмини улаш учун 5 секунд (буни синфдаги ўқувчиларнинг фикрлаш тезлигини эътиборга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ) вақт берилади. Берилган вақтда занжирнинг кейинги қисмини тўғри қўйган гурухга 5 балл, бироз кечикса 4 балл ва ҳ.к балл қўйилади, акс ҳолда белгиланган вақтдан 5 секунд ва ундан ортиқ кечикиб ёки занжирнинг кейинги қисмини нотўғри қўйган гурухга балл берилмайди ёки жарима балл олинади (бунда ўқитувчи ёрдамида занжирнинг кейинги қисми уланади). Занжирнинг охирги қисми бошига улангандан кейин ўйин тугаган ҳисобланади ва гурухларнинг умумий баллари элон қилинади ҳамда гуруҳдаги фаол ўқувчи гурух сардорининг тавсияси билан рағбатлантирилади. Шу тариқа натурал сонлар устидаги арифметик амаллар мавзуси қизиқарли тарзда такрорланади.

## **II. Касрлар ва улар устида арифметик амаллар мавзусига доир.**

Ушбу мавзуни мустаҳкамлашда ҳам “Арифметик занжир” ўйинидан фойдаланиш самарали натижа беради. Бунда ҳам ўқитувчи ўқувчиларни учта гурухга бўлади ва ҳар бир гурухга сардор сайлайди. Ҳар бир сардорга тайёрланган карточкалар берилади I даги каби ўйин давом эттирилади.

$$= \frac{1}{5}; 2 + \frac{2}{3}$$

$$= \frac{8}{3}; \frac{1}{2} + \frac{2}{5}$$

$$= \frac{9}{10}; \frac{4}{9} - \frac{1}{6}$$

$$= \frac{5}{18}; \frac{2}{5}; \frac{4}{15}$$

$$= 1\frac{1}{2}; 1\frac{1}{3} \cdot \frac{3}{8}$$

$$= \frac{1}{2}; \left( \frac{3}{7} - \frac{1}{14} \right); \frac{5}{14}$$

$$= 1; \left( \frac{1}{3} - \frac{1}{6} \right); \frac{1}{6}$$

$$= 1; 2\frac{2}{3} \cdot \frac{3}{8} - \frac{1}{5}$$

$$= \frac{1}{4}; \frac{3}{10} - \frac{1}{10}$$

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж. Икромов, Л. Левенберг. Математика дарсларида ўқувчиларнинг фаолиятларини активлаштириш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978.
2. B.Q.Haydarov. Matematika 1-qism. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Toshkent, «Huquq va Jamiyat», 2020.
3. M.A.Mirzaxmedov, A.A.Raximqoriyev. Matematika. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Toshkent, «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2007.